



**XXI АСР МАДАНИЯТЛАРАРО  
МУНОСАБАТЛАР  
ТИЗИМИДА ТИЛ ВА  
АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ (II)**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТИЛЛАР ВА АДАБИЁТ КАФЕДРАСИ**

**XXI АСР МАДАНИЯТЛАРАРО  
МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА  
ТИЛ ВА АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ (II)**

*Республика илмий-услубий мақолалар тўплами*  
2-қисм

**Тошкент  
«LESSON PRESS»  
2017**

УДК: 372/7.094  
ББК: 94:85.33/85.37(5Ў)

**Нашрга тайёрловчи:**

Исакова Г.Н.

ЎзДСМИ доценти, филология фанлари номзоди

**Такризчилар:**

Исмоилов Х.И.

ЎзДСМИ доценти, филология фанлари номзоди

Маҳмудова С.И.

ЎзДСМИ доценти, филология фанлари номзоди

Мазкур тўпламга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон давлат техника университети, Тошкент кимё-технологиялари институти, Ўзбекистон миллий университети ўқитувчиларининг ҳамда республикамиздаги бошқа олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар кўллежлари ўқитувчиларининг илмий ҳамда услубий мақолалари кирган. Тўпламда, шунингдек, олий ўқув юртларининг иқтидорли талабалари мақолалари ҳам жой олган.

Тўплам материалларида республика таълим муассасалари тил кафедраларининг асосий илмий-тадқиқот ва илмий-услубий йўналишлари, замонавий педагогик технологиялар ёрдамида тил ва адабиёт ўқитиш тажрибалари ўз аксини топган.

Ушбу илмий-услубий мақолалар тўпламидан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари ўқитувчилари, талабалар, мустақил тадқиқотчилар, шунингдек, тил ва адабиёт муаммоларига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тўплам Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Бадий, ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил 25 февралдаги 7-сонли йиғилишида нашрга тавсия этилган.

entering a new lexical, and cultural material in the most fascinating form, implements the principle of clarity that promotes lasting learning.

The teaching of a foreign language in a high school should move to a new stage. It is observed necessity of new developments for the formation of personality of a new type. Modern English lesson should be built in a completely new way and interactive methods in teaching carries a distinct advantage for both pupils and teachers.

#### References:

1. [http://pedsovet.su/metodika/5996\\_aktivnye\\_i\\_interaktivnye\\_metody\\_obuche](http://pedsovet.su/metodika/5996_aktivnye_i_interaktivnye_metody_obuche)
2. Saltovskaya G.N. New technologies of teaching foreign languages.
3. Nikishina V.O. Interactive methods of teaching foreign language.
4. [http://www.rusnauka.com/3\\_ANRR\\_2009/Pedagogica/39732.doc.htm](http://www.rusnauka.com/3_ANRR_2009/Pedagogica/39732.doc.htm)

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*З.Р.САИДОВА,  
ЎзДСМИ ўқитувчиси*

Таълим ислохотларининг замонавий босқичи жамиятда юз бераётган янгиланишларнинг тезкорлиги, таълим муассаларига қўйилаётган янги, янада юқори талабларга тезроқ мослашиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни илгари сурмоқда. Мамлакатимизда таълим соҳасида эришилаётган қатор ижобий ўзгаришларга мос равишда таълим сифат ва самарадорлиги ривожланиши динамикасини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан унумли фойдаланиш бугунги кунда муҳим масала ҳисобланади. Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири бу – таълим жараёнига муаммоли ўқитишни жорий этишдир.

Муаммоли ўқитиш - бу такомиллашган ўқитиш технологиясидир.

Ҳозирги олий мактабдаги самарали ўқитиш технологияси – бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш

жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

Муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллиги ўқитишнинг репродуктив шаклларига нисбатан тобора ўсиб боради.

Муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради.

Маълумки, ўқитишнинг ҳар қандай асосида инсон фаолиятининг муайян қонуниятлари, шахс ривожини ва улар негизда шаклланган педагогик фаннинг тамойиллари ва қоидалари ётади. Инсоннинг билиш фаолияти жараёни мантиқий билиш зиддиятларини ҳал қилишда объектив қонуниятлари дидактик тамойил – муаммолилиқка таянади.

Муаммоли вазият моҳияти шуки, у талаба таниш бўлган маълумотлар ва янги фактлар, ҳодисалар (қайсики, уларни тушуниш ва тушунтириш учун аввалги билимлар камлик қилади) ўртасидаги зиддиятдир. Бу зиддият билимларни ижодий ўзлаштириш учун ҳаракатлантирувчи кучдир.

Муаммоли вазиятнинг белгилари қуйидагилар:

- талабага нотаниш фактнинг мавжуд бўлиши;

- вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билиш машаққатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммоли вазиятдан чиқа олиш ҳамма вақт муаммони, яъни нима номаълум эканлигини, унинг нутқий ифодаси ва ечимини англаш билан боғланган.

Муаммоли вазиятнинг фикрий таҳлил қиладиган бўлсак, у авваломбор талабаларнинг мустақил ақлий фаолиятидир. У талабани интеллектуал машаққат келтириб чиқарган сабабларни тушунишга, унга кириш, муаммони сўз билан

ифодалаш, яъни фаол фикр юритишни белгилашга олиб келади. Бу ўринда изчиллик ёрқин кўринади: аввало муаммоли вазият юзага келади, сўнг ўқув муаммоси шаклланади.

Муаммо уч таркибий қисмдан иборат: маълум (берилган вазифа асосида), номаълум (уларни топиш янги билимларни шакллантиришга олиб келади) ва аввалги билимлар (талабалар тажрибаси). Улар номаълумни топишга йўналган қидирув ишларини амалга ошириш учун зарурдир. Аввало талабага номаълум бўлган ўқув муаммоси вазифаси белгиланади ва бунда унинг бажарилиш усуллари ҳамда натижаси ҳам номаълум бўлади, лекин талабалар ўзларидаги аввал эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб туриб кутилган натижа ёки ечилиш йўлини излашга тушади.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилар:

- янги билимларни шакллантиришга олиб келадиган номаълумнинг қўйилиши;
- талабаларда номаълумни топиш йўлида изланишни амалга ошириш учун зарур бўлган муайян билим захирасининг бўлиши.

Ўқув муаммосини ечиш жараёнида талабалар ақлий фаолиятининг муҳим босқичи унинг ечилиш усулини ўйлаб топиш ёки гипотеза қўйиш ҳамда гипотезани асослашдир. Ўқув муаммоси муаммоли саволлар билан изчил ривожлантириб борилади ва бунда ҳар бир савол унинг ҳал қилинишида бир босқич бўлиб хизмат қилади. Муаммонинг таркибий қисмлари, маълум ва номаълумнинг ўзаро муносабати характери билимга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради ва фаол билишга бўлган изланишга ундайди.

Таъкидлаш жоизки, муаммоли ўқитишнинг зарурий шарти талабаларда ҳақиқатни ва унинг натижасини излаш жараёнига бўлган ижобий муносабатни вужудга келтириш ҳисобланади.

Талабаларнинг муаммоли ўқитишдаги ижодий ва қидирув билиш фаолияти муаммоли вазият пайдо қилинганда талабалар машғулотада муаммони ифодалаб беришдан иборат

бўлади, яъни билишдаги қийинчиликларнинг пайдо бўлиши моҳиятини (яъни ушбу дамда унга нима маълум бўлса) сўз билан ифодалаб беради, сўнгра муаммонинг ечилиш усуллари кидиради ва бунда турли тахминларни олға суради. Талабалар ҳақиқий деб топган тахминлардан бирини гипотеза сифатида асос қилиб олади ва уни исботлайди, изланиш муаммо ёки вазифа бажарилгандан сўнг тугалланади.

## KADRLAR TAYYORLASHDA TA'LIM TIZIMINING O'RNI

*Kamola SAKIDJANOVA,*

*Islom Karimov nomidagi*

*Toshkent davlat texnika universiteti o'qituvchisi*

Ta'lim ijtimoiy tizimning bir qismi bo'lib, u o'z rivojlanishida jamiyat taraqqiyotining yo'nalishlariga bog'liq ravishda ro'y berayotgan aksariyat o'zgarishlarga muvofiq o'zgara boradi. Ana shu doirada innovatsiyalar ta'lim oldida turgan vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirishning asosiy shartlaridan hisoblanadi. Pedagogik nazariya va amaliyotning tahlili shuni ko'rsatadiki, ta'lim sohasiga umumjahon ahamiyatiga molik bo'lgan quyidagi asosiy yangiliklar xosdir: - moliyalashtirish va boshqarish sohalaridagi o'zgarishlar; - ta'lim tizimi tuzilishidagi muntazam o'zgarishlar; - ta'lim texnologiyasida ro'y beradigan doimiy o'zgarishlar va h.k.

Shunday qilib, yangi texnik vositalar va yangi texnologiyalarga ta'limga yangi tartib-qoidalarni kiritish uchun eng muhim komponentlardan biridir. Biroq ularni qanday qilib tatbiq etish va amalda foydalanishni bilib olish, aslida, hal qiluvchi ahamiyatga egadir. Buning uchun maxsus tayyorgarlik, katta kuch va ko'p vaqt sarflash lozim, ya'ni ta'limda innovatsion jarayonlarning tatbiq qilinishi bilan o'qituvchining roli pasaymaydi, balki o'quv-tarbiya jarayonining yuksak bosqichlarida yana ham ortadi. Bu esa pedagogdan o'z ilrnini yangidan va tanqidiy tahlil etishni talab etadi. Chunki yangi tartib-

<b>Ruziyeva G.X.</b> American english and british english: differences in usage of idioms.....	54
<b>Saidkazieva D. Li S.P.</b> The importance of interactive methods in teaching foreign languages. ....	59
<b>Саидова З.Р.</b> Олий таълим муассасаларида муаммоли ўқитишнинг аҳамияти.....	61
<b>Sakidjanova K.</b> Kadrlar tayyorlashda ta'lim tizimining o'rni... 64	64
<b>Sattarova Sh.</b> Innovatsion texnologiyalar asosida informatikani o'qitish jarayonini tashkil etish.....	67
<b>Саттарова Ш.</b> Развитие информационно-коммуникационной компетентности будущих специалистов. ....	69
<b>Sadykow H.S.</b> Die sprechmotivation und sprechangst im daf- unterricht in technischen hochschulen .....	71
<b>Sadykova M.I.</b> Some problems in learning english. ....	74
<b>Sultanova D.T.</b> Computer technology is the best means to creating an environment conducive to language learning .....	78
<b>Тавалдиева Г.</b> Адабиётнинг умуминсонийлик мақсадлари. ....	83
<b>Tangriyeva L.</b> Pedagogik texnologiyaning manbalari va metodologik asoslari .....	87
<b>Тиллашайхова М.А.</b> Ўқув жараёнига moodle тизимини тадбиқ этишнинг аҳамияти.....	89
<b>Toirova M.O., Matqurbonova M.S.</b> Ta'lim jarayonida qo'llaniladigan elektron darsliklarni yaratish asoslari.....	92
<b>Тошалиева С.</b> Маънавий иммунитетни шакллантиришда таълимнинг ўрни. ....	96
<b>Тошпулатов Ш.</b> Немис тилидан ўзбек тилига юморларнинг таржима қилиш хусусиятлари .....	100
<b>Turdibayeva Z. Novik K.P.</b> The ways of teaching speaking young learners. ....	102
<b>Тян Н.В.</b> Об истории исследования германо-осетинских контактов.....	105
<b>Тян Н.В.</b> Самостоятельное изучение иностранного языка (на примере развития навыков аудирования). ....	109
<b>Uktamjonova D.N.</b> Improving sociocultural competence of learners in foreign language learning .....	112



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТИЛЛАР ВА АДАБИЁТ КАФЕДРАСИ**

**XXI АСР МАДАНИЯТЛАРАРО  
МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ТИЛ ВА  
АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ (II)**

*Республика илмий-услубий мақолалар тўплами  
2-қисм*

**Нашрга тайёрловчи:**

Исакова Г.Н.

ЎзДСМИ доценти, филология фанлари номзоди

**Тақризчилар:**

Исмоилов Х.И.

ЎзДСМИ доценти, филология фанлари номзоди

Маҳмудова С.И.

ЎзДСМИ доценти, филология фанлари номзоди

Босишга руҳсат этилди: 13.03.2017 Офсет қоғоз.

Қағоз бичими 84x108 1/16

Times New Roman гарнитураси. Шартли босма табоғи

16.75. Нашр.хисоб табоғи 16.0 Адади 50.

«LESSON PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

«ZAMON POLIGRAF» ОК босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Ташкент шаҳри. Юнусобод тумани, Бободехқон  
маҳалласи 45 уй.